

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2007 йил 27 ноябрь ● сешанба ● № 48 (555) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги олдидан



ИНСОН ҲАЁТИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ХУҚУҚЛАРИ УЛУГЛанади



Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда тинчлик ва оқсоқилликни, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодини бозор муносабатларига бошқичма-бошқич ўтиш йўлининг асосий тартиб-тамоиллари Бош Қомусимизда белгилаб қўйилгани бугунги муваффақиятларнинг гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Конституция - ҳаётимиз кафолати" мавзусида ўтказилган анжуман Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланди.

Конференцияда Бош Қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида амалга оширилган ислохотлар самараси хусусида сўз борди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳиятига

кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани, бу эса унинг халқчиллигидан дололат эканини эътироф этдилар. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани қайд этилган.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида илгари сурилган энг асосий тамойил - инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари эканлиги, шахс дахлсизлигининг конституцийий кафолатларига алоқадор суд-ҳуқуқ ислохотлари тўғрисида фикрлар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда жинсий жазо тизимидан ўлим жазосининг бутунлай чиқариб ташланиши жинсий қонунчилигини либераллаштириш борасидаги жаҳон прогрессив тенденцияла-

рига тўла мос келиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг ёрқин ифодаси эканини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, конференцияда республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоқадор бўлган институтларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юрталари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

Мустақиллик йилларида Ватанимизда ўтказилган кенг кўламли ислохотлар, янгилаш ва ўзгаришлар жараёни жамиятни демократлаштириш, аввало, фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги реал иштирокини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизimini яратишга қаратилади.

Сайлов ва сайловчи УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ЭРКИН БИЛДИРИШЛАРИДА МУҲИМ ҲУҚУҚ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида сайловларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Зеро, сайловлар натижасида мамлакат фуқароларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки таъминланади. Бу эса халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигини ифодаловчи омиддир.

Қонунчилигимизга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловнинг ўтказилишини Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Шу ўринда сайловлар жараёнида аҳоли билан беvosита ишловчи ва овоз қабул қилишни ташкил этувчи орган сифатида ушбу тизимда муҳим ўрин тутувчи участка сайлов комиссияси фаолиятига эътибор қаратиш мақсада мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида участка сайлов комиссияларини тузишга оид нормалар белгилаб берилган.

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганда тузилади.

Участка сайлов комиссияларига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳофаза қилиниб, округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Мазкур тартиб комиссиялар таркибига муносиб шахсларнинг киритилишини таъминлайди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари тавсия қилинади.

Комиссия аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Уз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ҳам сайлов комиссияларига аъзо бўлиши тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси 5-19 нафар аъзодан иборат тартибда тузилиб, улар орасидан раис, раис ўринбосари ва котиб сайланади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат бўлса, унда раис ва котиб сайланади. Раис ўринбосари лавозими бўлмайдди. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг

сонини заруратга қараб белгилаб берилган округ сайлов комиссияси томонидан кўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида тузиладиган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси раиси вазифасини мазкур ваколатхона раҳбари бажаради. Унинг таркиби ва аъзолари Ташқи ишлар вазирлиги тақдими билан тасдиқланади.

Ҳарбий қисмларда тузиладиган участка сайлов комиссиялари ҳам умумий тартибда ташкил қилинади, уларнинг аъзоларини мазкур қисм кўмондонлиги тақлиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида участка сайлов комиссияларининг ваколатлари мустақамланган бўлиб, унга биноан, участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузиш, сайловчиларни сайловчилик рўйхати билан таништириш, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳамда тегишли ўзгаришлар киритиш масаласини ҳал этиш, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиш, сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор этиш, овоз бериладиган биналар ва сайлов кутублари тайёрлаб қўйилишини таъминлаш, сайлов кунини сайлов участкасида овоз берилишини ташкил қилиш, сайлов участкасида бериладиган овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш каби ҳамда қонунга мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси тегишли ҳудудда сайловчилар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш мақсадида жамоатчи фаоллар иштирокида участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади. Рўйхат тузилиб бўлганча, сайлов участкасидаги қўлай ва таниш осон жойларга осилди ва сайловчилар у билан таништирилиши.

МУРОЖААТЛАР

“ИНСОН ва ҚОНУН” НИГОҲИДА

Иш ўрганилди



Фуқаро Э.Жумановнинг қардор М.Ниязова томонидан Нарпай туман Октош шаҳри 3-ўй ёнида ушлаб турилган қардорга тегишли «КАССБОХ-РЕР» русумли, давлат рақами 30 Q 8927 бўлган автобусни хатлаш ва тегишли тартибда жарима майдончасига келтириб қўйиш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2007 йил 3 сентябрдаги ажрим ижроси юзасидан ёзган аризаси Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Мазкур ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Нарпай туман бўлими иш юритувига 2007 йил 10 сентябрда келиб тушган.

Ижро ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил 13 сентябрда ундирувчи Э.Жумановнинг отаси Х.Жуманов, Нарпай туман ИИБ ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида юқоридаги манзилга чиқилганда автобуснинг

техник носоз ҳолатдалиги аниқланган. Автобус воситасини жарима майдончасига олиб кетишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли хатлашиб, сақлаш учун қардор М.Ниязовага топширилган.

Ижро ҳужжатининг автобусни хатлаш қисми тўлиқ ижро қилинганлиги ва тегишли тартибда жарима майдончасига келтириб қўйиш қисмини ижро қилишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжати 2007 йил 13 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига қайтарилган.

Ш.ТОҶИБОВ, Суд департаменти директори ўринбосари

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

«Ўзбекистонда Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари»

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда 2007 йил 27-28 ноябрь кунлари «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, республика-миз илмий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Германия, Россия ва Қозғоғистондан етуқ ҳуқуқшунос олимларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Маълумки, 1997 йил 1 мартдан кучга кирган мустақил давлатимизнинг Фуқаролик кодекси бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳаётда юзга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи мукамал норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, кодекснинг жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлардаги ўрни ҳам беқиёс.

Конференцияда юқоридаги жиҳатларга ургу берилган ҳолда Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг миллий қонунчиликини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти, шунингдек, фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳофаза қилинади.

Жамшид ИРГАШЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Матбуот КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Матбуот нашрлари бизни юртимиз ва дунё ангилликлари, воқеа-ҳодисалар билан таништиради. Айниқса, ўз соҳасига оид газета-журналларни мунтазам ўқиш кишининг билим ва кўникмаларини мустақамлайди, касбий маҳоратини оширади.

Шу ниятда «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига доимий обуна бўлиб келамиз. Бизнинг соҳамизда бу газетанинг ўзига хос аҳамияти бор. Шу боис унинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз. Лекин негадир ушбу газета ҳар доим ҳам бизга вақтида етиб келавермайди. Мутасадди кишилардан бу ҳақда сўраб, тайинли жавоб ололмадик, нега шундайлигини ҳеч ким тушунтириб бера олмади.

Келгуси йил учун ҳам «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига обуна бўламиз. Бироқ уни мунтазам ўқиш боришимиз, ўз вақтида бизга етиб келишига ҳам имкон қадар эътибор берсангизлар. Улуғой АХМЕДОВА, Самарқанд вилояти, Пахтачи туман давлат нотариал идораси нотариуси

Адлия ёрдам берди

ДАЪВО АРИЗАЛАРИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ...

Ноқонуний қарорлар бекор қилинди, маблағлар ўз эгасига қайтарилди

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида иш режаси ва ариза-шикоятларга асосан ўтказилган текширувлар натижасига кўра тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 95 та тақдимнома, 34 огоҳнома ҳамда 7 та курсатма, жинсий иш кўзгатиш ҳақида 5 та, маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 19 та тақдимнома киритилди. Бошқарма томонидан киритилган ана шу тақдимномаларга кўра, ҳокимлик идораларининг 16 нафар, солиқ идораларининг 10 нафар, тижорат банкларининг 67 нафар, статистика идораларининг 4 нафар, ер ресурслари идорасининг 6 нафар, ДСЭНМ идораларининг 16 нафар, таъбиркорлик ва хизмат курсатувчи идораларининг 15 нафар мансабдор шахслари интизомий жавобгарликка тортилди.

Жойларда қонунларни яши анг-ламаслик оқибатида ҳокимлик ва назорат идоралари томонидан рас-мийлаштирилган 26 та ноқонуний ҳужжатларнинг ижроси бекор қили-ниб, ноқонуний ундирилган 1 мил-лион 839 минг 50 сўмлик маб-лағ ўз эгаларига ундириб берил-ди.

2007 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида адлия бошқармаси томо-нидан ҳокимлик идораларига нис-батан 9951349 сўмлик, тижорат банклари-га нисбатан 23251544 сўмлик, «Ўзпахтасаноат» АК тизи-мидаги тайёрлов корхоналарига нисбатан 352845228 сўмлик, «Ўздоммаҳсулот» корхоналарига нисбатан 1389776 сўмлик жами 687927686 сўмлик 61 та даъво аризалари судларга муҳофама қилиш учун юборилди. Судлар то-монидан 48 та даъво аризалари қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектлари фойдасига 379221262 сўмлик маблаг унди-риб берилди. Шунингдек, даъво аризаларига 2 кўра ҳокимлик идо-раларининг 2 та ноқонуний қарор-



лари бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектлари фа-олиятини ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим жойларда уларнинг амалга ошираётган хай-ри ишларига сунъий тўсиқ қўйиб, амалдаги қонунларни била туриб бузиш ҳаракатлари содир этилмоқ-да. Масалан, Термиз шаҳар Гас-телло кўчаси 26-уйда истиқомат-

қилувчи фуқаро У.Ҳайиткулов 72 м² ер майдонини доимий фой-даланишга ажратиш ҳақидаги Тер-миз шаҳар ҳокимининг қарори би-лан савдо дўкони қурилишини бошлаган. Аммо шаҳар ҳокимлиги ўзи тадбиркорга ажратиб берган ер майдонига белгилаб берилган му-ддатда мажбуран юклатилган топ-шириқларни бажармаганлиги,

қурилиш ишларини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда бош-лаганлигини асос қилиб, 2006 йил 13 январь 14-сонли қарор билан бекор қилган.

Фуқаро У.Ҳайиткулов томонидан ўзига ажратилган ер майдонига меъморий режалаштириш топши-риги, тегишли экспертиза хулоса-лари ва лойиҳа ҳужжатлари асоси-да замонавий «Интернет-кафе» ва савдо дўкони қуриб фойдаланиш-га топширилиши арафасида шаҳар ҳокимининг юқоридаги қарори қабул қилинган. Тадбиркорнинг адлия бошқармасига қилган муро-жаати ўз жойига бориб ўрганилди. Унга кўра тўлганган барча ҳужжат-лар расмийлаштирилиб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлар-аро судига юборилди. Суднинг 2007 йил 20 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, Термиз шаҳар ҳоки-мининг 2006 йил 13 январьдаги 14-сонли қарори бекор қилиниб, шаҳар ҳокимлигидан фуқаро У.Ҳайиткуловга етказилган бир ярим миллион сўмлик маънавий зар-рар ундирилди.

Бугун тадбиркорлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ҳукуматимиз улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қарор ва қонунлар қабул қил-ди. Шунга кўра жойлардаги масъ-ул шахслар уларнинг ҳар бир ҳара-кати, ташаббусини қўллаб-қувват-лаши лозим. Бу эса бугуннинг дол-зарб, муҳим вазифасидир.

Отабек НОРБОВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Собир ЁДИКОВ, «Инсон ва қонун» мубири

Сайлов ва сайловчи

ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

Тақдир ёхуд касб тақозоси билан мамлакатимиз ҳудудида ташқарида бўлган Ўзбекистон фуқароси ҳам ўзининг сайлов ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли, албатта.

Хорижий давлатларда таълим олаётган ва хизмат сафарларида бўлган мамлакатимиз фуқаролари ҳозирги кунда интернет тармоғи ва бошқа ахборот воситалари ёрдамида ўзларини қизиқтирган маълумотлар билан танишиш ва мамлакатимиз сиёсий майдонидagi охириги ўзгаришларни кузатиб бориш имкониятига эга бўлмоқда. Республикаимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консулхоналари бу борада ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшишмоқда. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги фаолият кўрсатаётган элчихоналари ва консулхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузиш Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доирасига кириди. Бу ваколат Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари юборган тегишли маълумотлар асосида тайёрланган Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузиш Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доирасига кириди. Бу ваколат Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари юборган тегишли маълумотлар асосида тайёрланган Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида амалга оширилади.

колатхоналарнинг раҳбарлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузиш Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доирасига кириди. Бу ваколат Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари юборган тегишли маълумотлар асосида тайёрланган Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида амалга оширилади.

умумлаштирилади.

Шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган давлатларда сайлов участкалари тузиш Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доирасига кириди. Бу ваколат Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари юборган тегишли маълумотлар асосида тайёрланган Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузиш Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доирасига кириди. Бу ваколат Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари юборган тегишли маълумотлар асосида тайёрланган Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида амалга оширилади.

сайловларда овоз берувчиларнинг эркин иштирок этишини таъминлашга ҳизмат қилади. Сайловчи бюллетенни тўлдириб қондаларига амал қилган ҳолда ўзи ёқлаб чиққан номзоднинг фамилияси, рўйхатига, ўнг томонида жойлашган квадратга белги — крестик (плюс) қўйди ва сайлов қутисига ташлайди.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш туганганлигини эълон қилиши мумкин.

Овоз бериш якунланган, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участка сайлов комиссияларидан олинган баённомалар буйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Сайлов натижалари туғрисидаги сайлов округлари тақдим этган баённомалар умумлаштирилиб, сайлов якунлари республикамиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Олимжон НУРМУХАММедов, Фулжон РАЖАБОВ, Адлия вазирлиги Мазмурий ва ижтимоий қонунийлик бошқармаси ходимлари

ТИЗИМ Тадбирлари

ОИЛА ҲУҚУҚИ

Оила муқаддас... У халқ ва жамият ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни синондан ўтказди. Ўз бағрида фарзандларни тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни синдириб, бошланғич ижтимоий йўналиш беради.

Мустиқиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий истиқболига кенг имкониятлар яратилган. Яқинда "Конституцияда оила ҳуқуқи" мавзусида Юнусобод туман жамоатчилик асосида оила саводхонлиги дорилфунунида бўлиб ўтган тадбирда оила муқаддаслиги хусусида фикр юритилди. Ушбу тадбирда туман маънавият тарғиботи бўлими, ҳуқуқшунослар, ФХДБ бўлими ва нотариал идора ходимлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, Конституцияимизнинг 15 йиллиги муносабати билан бу каби тадбирлар шаҳримизнинг барча туманларида мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Холита НИГМАТОВА, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

Маҳаллада учрашув

2007 йилнинг 23 декабри мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим саналардан бири ҳисобланади. Ушбу санада мамлакатимиз миқдосида Президент сайлови ўтказилади.

Ҳозирда, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказилмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Уч-тепа туманидаги "Қўрқамбод", Юнусобод туманидаги "Шарқ ҳақиқати", Чилонзор туманидаги "Лутфий" маҳалласи фуқаролари орасида ҳамда пойтахтимиздаги Политехника касб-ҳунар коллежи, Педагогика коллежи ва бир қанча таълим муассасаларида ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловнинг демократия талаблари асосида ўтиши, унда сайловчилар фаоллигини ошириш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик қилинмоқда.

Султон ҲУРНОБЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси

МЕҲР МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда Навоий шаҳрида ўтказилган семинар «Меҳрибонлик уйлари ҳамда ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатларининг роли» мавзусига бағишланди.

Олий Мажлиси Сенати қўмитасининг раиси Эркин Воҳидов бошқарган анжуман иштирокчилари Навоий вилояти ҳокими Баҳриддин Рўзиевнинг вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатларининг қўшган хиссаси, Республика Халқ таълими вазирининг ўринбосари Одил Собировнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг мазкур даргоҳлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги аҳамияти, Навоий вилоят прокурори Бахтиёр Жамоловнинг Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларнинг моддий-техника таъминотида оид қонунийлик ижроси, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Азамат Азимовнинг таълим муассасалари моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, уни асраб-авайлаш масалалари мавзусидаги маърузаларини тинглади.

Маруза ҲОСИЛОВА «Инсон ва қону» муҳбири

Ҳуқуқ-тарғибот соати

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА МАСЪУЛМИЗ



Адлия вазирлигида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти маънавият ишлари бўйича проректори Абдухалил Маъруфов билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. «Демократик тараккият ва ёшлар маънавияти» мавзусида ўтказилган мазкур мулоқотда А.Маърулов келажакимиз ворислари бўлган ёшларимизнинг маънавиятини дунёда кечатган мафкуравий курашлар жараёнида ёт таъсирлардан асраб-авайлашимиз зарурлиги ҳақида фикр юритди.

фарзанднинг ота-она олдига бурчларига лояқатлик, ахлоқсизлик кўришиларига табиий ҳол деб қараш маънавиятсизликка олиб келади. Маърузачининг таъкидлашича, демократия дунёга ёйилишини ўзгача тасаввур қилиш тугайли ҳозирда дунёдаги айрим ёшларда «мен жаҳон фуқаросиман», деган мантисиз тушунчалар пайдо бўлаётди. Бу эса, аввало, ёшларда ватанпарварлик туйғусининг усайишига сабаб бўлади. Уларни турли максادلари кўзлаган кимсаларнинг «тўр»га илинишларига имкон яратди. Бунинг оқибатида ҳам улар ўз эл-юртига зиён бериб қўйишлари ҳеч гап эмас. Олимларнинг фикрича,

кейинги пайтларда эгоцентризм тушунчасининг кишилик ҳаётда намоён бўлиб қолаётгани кузатиляпти. Эгоцентризм деганда айрим қатлам ёки шахснинг фақат ўз манфаатларини ўйлаши, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслиги, худбинлиги тушунилади.



Жаҳонда кечатган турфа жараёнлар истиқболимиз бўлган ёшлар маънавияти учун масъулигимизни тобора оширади. Ҳар бир миллат вакилининг ўзлигини асраб-авайлаши ортида она Ватанини ҳимоя қилиш, юрт эркини асраш орқали ўз эркинлигини ҳам асраш истаги мавжуд. Дунё халқлари доим шунга интиладилар. Учрашувда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором МАТКАРИМОВА, «Инсон ва қону» муҳбири

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲОҲИШ-ИРОДАСИНИ ЭРКИН БИЛДИРИШЛАРИДА МУҲИМ ҲУҚУҚ ТУГАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Сайловчилар рўйхати билан танишиш чоғида фуқаро рўйхатга кирмаганлигини, рўйхатдан чиқариб ташланганлигини ёки рўйхат нотўғри тузилиб, унда фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва оиди, турар жойи ҳақидаги маълумотлар нотўғри кўрсатилганлигини аниқласа, бу ҳақда шу сайлов комиссиясига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ариза ёки шикоятни участка сайлов комиссияси, албатта, қабул қилиши, тегишли тартибда қайд этиши ва кўпи билан икки кун ичида мурожаатни кўриб, тегишли қарор қабул қилиши шарт. Агар ариза ёки шикоят овоз бериш куни берилса, уни дарҳол кўриб чиқиш керак.

Сайловчиларнинг ариза ёки шикояти кўрилиб, у асосли бўлса, рўйхатга ўзгариш киритилади, агар сайловчиларнинг талаби нотўғри бўлса, унинг талабини рад этиш ҳақидаги сайлов комиссиясининг асосланган қарори ёзма равишда сайловчига берилади.

Жамоатчи фаоллар ёрдамида овоз бериш учун тақлифномалар тарқатилади. Уларда сайловчиларнинг тартиб рақами кўрсатилган бўлиб, сайловчи шу тартиб рақами орқали бюллетен олади. Белгиланган тартибда тузилган рўйхатга бюллетен берилганлиги ҳақида белги қўйилади. Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга қамда уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд қотиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Сайловнинг энг масъулияти даври — овоз бериш кунини ҳуқуқлик билан ўтказиш чораларини кўриди, сайлов кунини мазкур жараённи ташкил қилувчи жамоатчи шахсларни аниқлайди, уларни ишга ўргатади ва овоз бериш кунини жойларида бўлишини таъминлайди. Овоз бериш учун белгиланган вақт тугагач, ишлатилмаган қолган бюллетенларни аниқлаб, комиссиянинг тартибда, кузатувчилар иштирокида қутиларни очди ва бюллетенларни санаш орқали овозларни ҳисоблаб чиқади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари, хусусан, участка сайлов комиссияларини тузиш тартиби ва уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур ҳолат сайлов жараёнининг демократик тарзда, қонуний ва тўла мувофиқ равишда ўтказилишига ҳизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Суръат НАЙИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Таажжуб

ВАЪДАСИДА ТУРМАГАН ҲАМКОР ЁКИ ШАРТНОМАНИ БУЗИШ ҒИРРОМЛИК ЭМАСМИ?

Нурота тумани «Ал-Бунёд» ишлаб чиқариш агрофирмаси ҳамда Нурота тумани Халқ таълими бўлими ўртасида 2005 йилнинг 1 августда «Тумандаги 44 — мактабни жорий таъмирлаб, фойдаланишга топшириш тўғрисида»ги шартнома тузилди.

бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизи микдорига да иш бошлангани ойдан аввал ўтказиши кўрсатилганлигига қарамай, шартнома шартларини бажариш туман Халқ таълими бўлимини асло ташвишлантормади.

Утган икки йил мобайнида тадбиркор Акбар Мирзаев ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида агрофирмасини «Нурота-Камолот-Сабр-Учқун» фермер ҳўжалигига айлантирди. Нурота туман ҳокимининг К-73-сонли қарори билан «Ал-Бунёд»нинг барча ҳўжук ва мажбуриятлари бўйича ҳўжукчи ворислик фермер ҳўжалигига ўтди.

Тадбиркор А. Мирзаев ҳамкорликни ғирромликка алмаштирилган халқ таълими бўлимидаги ишларни инсофга келар, деб икки йил кутди. Қараса, қутшилдан фойда йўқ. Ахирини минг андиша билан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бажарилган иш учун ҳўжукни талаб қилишга ҳўжук борлигини тасдиқлади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи

...Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан шу йилнинг 6 августда вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Ф.Шернзаров номига йўлланган 172-сонли тақдимнома билан танишарканмиз, дилда бир савол тинмай чарх ураверди. Республика, қолаверса, вилоятдаги ушбу соҳага масъул мутасаддилар қаерга қарашли ўзи? Бу хийла қалтис бўлгани билан ҳўқли савол эди.

...Хуллас, Ховос тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази — ДСЭНМда аҳоли пу даражага етгани, марказ ходимлари соҳанинг вилоятдаги масъул раҳбари фақат суд органларининг ваколатли бўлган ҳўракатларини ҳам тап тормай ўзлари «очиб» ташлайверишган! Гап вилоят адлия бошқармасининг иш режасига мувофиқ туман ДСЭНМнинг фаолиятига доир ўтказилган ўрганиш ва унинг якунлари хусусида кетаётди.

Урганиш ўтказилган кунга қадар марказда «этиборга лойик» қонунбузарликлар «қизгин» тарзда содир этиб турилган ва киритилган тақдимномага бу салбий ҳўлатларга чек қўйган. Айбдорлар эса авайлабгина жазоланди. Яъни туман ДСЭНМ бош шифокори М.Жўраевга ҳўжалик юритувчи субъектларда тежирини ўтказиш давомида қонун талабларига амал қилинишини таъминламаганлиги учун «Ҳайфсан» берилди. Бирок вилоят, туман ДСЭНМ раҳбарлари ёхуд судлар ваколатини «ўзлаштириб олган» марказ ходимларининг ҳеч бирига ҳеч қандай чора қўрилмади!

Хўш, Ховос туман ДСЭНМда нима воқеа содир бўлганлиги, бош шифокор ҳўйфсан билан «муқотланди»? Ҳамма гап шундаки, ДСЭНМ ходимлари томонидан 2007 йилнинг январидан июль ойига қадар на-

тажаси ўларок, тузилган далолатнома асосида беш шифокор қарори билан қўйилган тақик ходимлар томонидан бекор қилиб юбориллаверган!!! Масалан, марказ иш режасига асосан, бош шифокорнинг 2007

Соғлиқни сақлаш

УНИСИ ЁПДИ,

Сирдарё ДСЭНМдаги

Йил 12 июндаги 05/66-сонли буйруғи билан яқка тартибдаги тадбиркор Т.Эшонқулнинг хусусий ошхонасида тежирини ўтказилиб, санитария-гигиена қондалари бўзилганлиги аниқланган ва бу ҳўлат буйича далолатнома тузилган. Тадбиркорга МЖТКнинг 53-моддасига биноан маъмурий ҳўқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тўлдирилган. Ушбу ҳўжатлар орадан 10 кун ўтган, яъни 22 июнда раҳбар томонидан кўриб чиқилиб, ошхона соҳибига 37.200 сўм жарима таяинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Аммо... аммо ушбу қарор адлия бошқармаси ходимлари ўтказган ўрганиш кунига қадар бошқик томонидан имзоланмаган бўлса-да, жарима тадбир-

ёрдамчиси М.Бекназаровларнинг «уддубронлик»лари ҳаммасидан бирварақайга ошиб тушди! Улар биринчи тафтишдан сўнг ропна-рота етти кун ўтказиб, яъни 19 июнда яна Т.Эшонқулнинг ошхонасига «қадим ранжиди қилишди» ва унинг аниқланган қалтиликларни батамом бартараф қилишга хусусида марказ бош шифокори номига баған тушултириш хатини дастак қилиб, иккинчи марта бошқикнинг ўтказиши. Натийжада қалтиликлар йўқотилганлиги хусусида далолатнома тузилди ва ошхонага қўйилган тақик очилди... Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликка биноан туман ДСЭНМ бош шифокори томонидан қабул

